

5. Григорьев П. Я., Коровина В. И., Жуховицкий В. Г. и др. Изменения родового состава кишечной микрофлоры и степени обсемененности кишечника: бактериологическая характеристика, клиническое значение, вопросы терапии // Практикующий врач. - 1999. - № 16 (3). - С. 14-19.
6. Успенский Ю.Л. Метаболический синдром у больных с заболеваниями органов пищеварения //Клин. питание. - 2004. - № 1. - С. 23- 28.
7. Nordgaard I., Hove H., Clausen M. R. et al. Colonic production of butyrate in patients with previous colonic cancer during long-term treatment with dietary fiber (Plantago ovata seeds) // Scand. J. Gastroenterol. - 1996. - Vol. 31. - P. 1011-1020.
8. Попова Т. С., Тамазашвили Т. Ш., Шестопалова А.Е. Синдром кишечной недостаточности в хирургии. - /М.: Медицина, 1991. - 240 с.

Поступила 04.03. 2019

УДК 616.314-007.1-053.5:616.716.8-079

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТИШ-ЖАҒ АНАМАЛИЯЛАРИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ (РЕТРОСПЕКТИВ МАЪЛУМОТЛАР)

Гаффаров С.А.¹, Олимов С.Ш.¹, Саидов А.А.²

Ташкент врачлар малакасини ошириш институти,
Бухоро давлат медицина институти.

✓ Резюме,

Турли хил окклюзия анамалиялари мавжуд беморларни ретроспектив таҳлил қилиш орқали, болалар орасида тиш-жағ аномалияларининг тарқалганлик даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, эрта тиш алмашилиш даврида орофациал дисфункция тарқалганлик даражаси юқори бўлади. Ёши катталашиб бориши билан болаларда орофациал дисфункцияни ўрнини тиш-жағ анамалиялари эгаллайди ва юз-жағ соҳаси функционал бузилишларига олиб келади. Адабиётлардаги маълумотлар шуни курсатадики болалардаги орофациал дисфункция- бу юз-жағ соҳаси анамалия ва деформацияларнинг тарқалганлигининг "преморбид" ҳолати ҳисобланади.

Калит сўзлар: Тиш-жағ анамалиялари, орофациал дисфункция, эрта тиш алмашилиш даври, преморбид ҳолат, болалар.

СТЕПЕН РАСПРОСТРАНЕННОСТИ ЗУБОЧЕЛЮСТНЫХ АНОМАЛИЙ У ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА (РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АНАЛИЗ)

Гаффаров С.А.¹, Олимов С.Ш.¹, Саидов А.А.²

Ташкентский институт усовершенствование врачей,
Бухарский государственный медицинский институт.

✓ Резюме,

Изучение распространенности зубочелюстных аномалий у детей на основании ретроспективных исследований больных с различными аномалиями окклюзии выявил, что орофациальные дисфункции имеют высокую распространенность в период раннего сменного прикуса. С возрастом, по мере взросления, дети, имеющие орофациальные дисфункции, приобретают зубочелюстные аномалии, связанные с функциональными нарушениями челюстно-лицевой области, что подтверждает литературные данные об орофациальных дисфункциях как о "преморбидных" состояниях зубочелюстных аномалий у детей.

Ключевые слова: зубочелюстные аномалий, орофациальные дисфункции, раннего сменного прикус, преморбидный состояния, дети.

PREVALENCE RATE OF DENTOALVEOLAR ANOMALIES IN PRESCHOOL-AGE CHILDREN (RETROSPECTIVE ANALYSIS)

Gafforov S.A.¹, Olimov S.Sh.¹, Saidov A.A.²

Tashkent Institute of Postgraduate Medical Education,
Bukhara state Medical Institute.

✓ Resume

Orofacial dysfunctions have been a high prevalence in early interchangeable occlusion period due to study of prevalence rate of dentoalveolar abnormalities in children based on retrospective studies of patients with various occlusion abnormalities was revealed. According to age, as they grow up, children with orofacial dysfunction have been acquired dentoalveolar abnormalities associated with functional disorders of maxillofacial area, which confirmed the literature data by orofacial dysfunction as a "premorbid" state of dentoalveolar abnormalities in children.

Keywords: dentoalveolar anomalies, orofacial dysfunctions, early interchangeable occlusion, premorbid state, children.

Маълумотларга кўра, мактаб ёшидаги болалар орасида огиз бушлиги тўқима ва аъзоларидаги нуқсонлар, жумладан тиш-жағ аномалия ва деформациялари кўп учрайди. Мутахассислар таҳлиliga кўра ҳозирги кунда Россия Федерациясида болалар ва ўсмирлар юз-жағ тизими ривожланиши давридаги нуқсонлар 75% кузатилади [3,4].

Қатор илмий нашрлардан маълумки, тиш-жағ аномалиялари ва деформацияларининг ривожланиши по-

лиэтиологик саналади [1,2]. Жумладан, умумий этиологик омиллар: боланинг антенатал даврдаги нуқсонлари - туғилганда тана вазнининг камлиги, ҳомиладорлик ва туғилиш нуқсонлари, ҳомила ривожланишининг ортда қолиши, асаб тизимининг бузилиши, чақалоқлик даврида турли касалликлар билан касалланиш, овқат рационини бузилиши, рухий зўриқишлар: маҳаллий этиологик омиллар - зарarli одатлар натижасида тиш-жағ



соҳаси фаолиятидаги салбий ўзгаришлар, сут тишларини нотўғри даволаш, сут тишларини эрта йўқотилиши, тиш қаторларидаги нуқсонларни вақтида бартараф этилмаслиги шулар жумласидандир [5,6,7].

Аксарият ҳолатларда болалар ўртасида тиш-жағ тизими аномалияларини эрта ташхиси ва даволаш муолажалар олиб борилмаслиги натижасида, ушбу нуқсонларнинг келиб чиқиши ва асоратларнинг олдини олиш масалалари ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи кичик мактаб ёшидаги болалар ўртасида тиш-жағ нуқсонларининг тарқалганлик даражасини ретроспектив таҳлил қилиш ушбу тадқиқотнинг мақсади қилиб белгиланди.

Тадқиқот усули ва материаллари


Текшириш жараёнида 2005-2015 йй. Бухоро шаҳри вилоят стоматологик поликлиникасида амбулатор да-

воланишда бўлган тиш қаторлари окклюзион аномалиялари мавжуд (дистоокклюзия, вертикальная кесувчи дизокклюзия ёки чуқур кесувчи окклюзия) беморларнинг 930 та амбулатор карталарининг ретроспектив таҳлили ўтказилди. Ушбу беморларнинг ёши, жинсига, яшаш шароити, ота-онасининг иш фаолиятига, мавсумий ва соматик касалликлари учраши махсус текширувлар натижаси билан баҳоланди ва солиштира таҳлил килинди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Тадқиқот натижалари шунини кўрсатадики, орофациал дисфункцияси (ОФД) мавжуд бўлган 930 нафар болаларнинг 42,3% да сагитал текисликдаги нейтрал окклюзия кузатилди.

Дистал окклюзия 412 нафари болаларда ташхисланиб бу ОФД си мавжуд барча болаларнинг 44,3% ни ташкил этган бўлса, 128 (13,8%) нафар беморларда мезиал окклюзия ташхисланди (1 расм).



Расм. 1. Тиш-жағ аномалияларини кичик мактаб ёшидаги болалар орасида ОФД да сагитал текисликдаги тарқалганлик таҳлили (n=930)

Текширилганларнинг болаларнинг 86,2% да ОФД да вертикал текисликдаги бузилишлар аниқланиб, шундан 23,0% ҳолатда кесувчи тиш дезокклюзияси ва 43,2% ҳолатда чуқур кесувчи окклюзия аниқланди. Шунини таъкидлаш жоизки, горизонтал текисликдаги бузилиши бор болалар текширилувчилар гуруҳдан чиқарилиб даволаниш учун ортодонтга юборилди.




Расм. 2. Кичик мактаб ёшидаги болаларда тиш-жағ аномалияларининг ОФД да вертикал текисликдаги тарқалганлик таҳлили (n=930)

Текширилганларнинг болаларнинг 66,5% да 6-7 ёшлилар орасида ОФД мавжуд бўлиб, тиш-жағ аномалия ва деформация белгилари кузатилмайдиган, 16,5% ҳолатларда тиш-жағ аномалияларини ва деформациялари учраб орофациал дисфункция билан бирга келиши аниқланди. Тиш-жағ аномалияларини ва ОФД си бўлмаган болалар сони 17,0% ни ташкил этди.

Шунингдек текширилган 8-9 ёшли болаларда орофациал дисфункция ва тиш-жағ аномалияларини куйидаги тартибда тарқалганлиги аниқланди: тиш-жағ аномалиялари ОФД бор болалар - 72,6%, ОФД мавжуд тиш-жағ аномалиялари белгилари бўлмаган болалар - 8,4%, тиш-жағ аномалиялари и ОФД белгилари бўлмаган болалар - 18,9% ташкил этди (расм. 3).

Болалар ёши катталашиб бориши ёки эрта тиш алмашинув даврига келиб юз-жағ соҳаси аномалия ва деформацияларнинг тарқалганлиги и ОФД бўлмаган болалар сони деярли ўзгармайди ($p > 0,10$), аксинча тиш-жағ аномалия ва деформациялари бор болалар улуши 16,5% дан 72,6% га ошади ($p < 0,001$), орофациал дисфункцияси бор лекин юз-жағ соҳаси аномалия ва деформацияларнинг тарқалганлиги белгилари йўқ болалар сони 66,5% дан 8,4% га камаяди ($p < 0,001$).

Шундай қилиб, эрта тиш алмашилиш даврида орофациал дисфункция тарқалганлик даражаси юқори бўлади. Ёши катталашиб бориши билан болаларда орофациал дисфункцияни ўрнини тиш-жағ аномалиялари эгаллайди ва юз-жағ соҳаси функционал бузилишига олиб келади ва адабиётлардаги маълумотлар



Расм. 3. 6-7 ва 8-9 ёшли болалар гуруҳларида юз-жағ соҳаси анамалия ва деформацияларининг тарқалганлик даражаси

шуни курсатадики болалардаги орофациал диссфунк-
ция бу юз-жағ соҳаси анамалия ва деформациялар-
нинг тарқалганлигининг "преморбид" ҳолати ҳисоб-
ланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Адамчик А.А. Исследование функции внешнего дыхания у пациентов с вертикальными аномалиями прикуса //Ортодент-Инфо. - 2000. - № 1-2. - С. 48-49.
2. Арутюнов С. Д. Ранняя профилактика кариеса зубов у детей - гарантия стоматологического здоровья взрослых //Вопросы педиатрической фармакологии и нутрициологии. - 2006. - № 3. - С. 23-27.
3. Легович М., Новосел Н., Легович А. Изучение ортодонтических аномалий в молочном и постоянном прикусе во временном аспекте //Стоматология. - 2001. - Т. 80, № 5. - С. 54-56.
4. Матвеева Е.А. Клинико-эпидемиологическое обоснование совершенствования ортодонтической помощи детям: автореф. дис. ... канд. мед.наук : - Иркутск, 2009. - 22 с.
5. Caltabiano M., Verzi P., Scire Scappuzzo G. Head posture in orthodontics : physiopathology and clinical aspects //Mondo Ortod. - 2009. -Vol. 14, № 3. - P. 313-324.
6. Little R.M. Stability and relapse: Early treatment of arch length deficiency //Am. J. Orthod. Dentofacial Orthop. - 2012. - Vol. 121, № 6. - P. 578-581.
7. Splieth C.H. Caries prevention programs for groups : out of fashion or up to date? // Clin. Oral Investig. - 2004. -Vol. 8, № 1. - P. 6-10.

Поступила 03.03.2019